

**Бухоро нефт ва газ саноати коллежида ва “ИНКОМнефть” АЖ
компанияси билан ҳамкорлик тўғрисида ўтказилган йиғилиш
БАЁННОМАСИ**

31 июль 2023 йил

Бухоро шаҳар

Қатнашдилар:

Коллеж директори С.Б.Усмонов, коллеж ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари А.Р.Ҳафизов, ИЧТИБД ўринбосари О.Ш.Пардаев, махсус фан ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими усталари, 15 нафар коллеж битирувчилари

КУН ТАРТИБИ:

1. Бухоро муҳандислик-технология институти раҳбарияти ҳамда коллеж маъмуриятининг таклифига биноан **“ИНКОМнефть” АЖ** билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларини ташкил этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш, коллеж махсус фан ўқитувчиларини стажировкага юбориш тўғрисида.

Эшитилди: С.Б.Усмонов - коллеж директори йиғилишни очиб, **“ИНКОМнефть” АЖ** бош муҳандиси Ш.Каттаев ва у бошчилигида келган мутахассисларни йиғилиш иштирокчиларига таништириб, таълим муассасаси ҳамда корхона раҳбарияти келгусидаги ўзаро ҳамкорликда мутахассисларни йуналишлар бўйича тайёрлаш уларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ҳамда диплом олди амалиётларини юқори савияда ўтказиш. Корхона ҳамда таълим муассасаларини интеграциясини ошириш ва келажакдаги истиқболли режалар ҳақида гапирди, ҳамда **“ИНКОМнефть” АЖ** бош муҳандиси Ш.Каттаевга сўз берди. У ўз сўзида фаолият юритаётган корxonанинг иш фаолияти билан таништириб, бугунги кунда мутахассис кадрларга қўйиладиган талаблар, уларнинг билими, тил билиш даражалари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Шундан сўнг йиғилиш қатнашчиларини қизиқтирган саволларига жавоб берди.

Йиғилиш сўнгида коллеж 2022/2023 ўқув йили битирувчиларининг мазкур корхонага ишга кириш истагини билдирган ҳар бир ўқувчи билан алоҳида суҳбат ўтказди. Суҳбат давомида ўқувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича ҳамда уларнинг рус тилини билиш даражасини аниқлаш мақсадида бирламчи савол-жавоблар ўтказилди. Ўзаро суҳбатда 15 нафар битирувчи иштирок этди. Ўтказилган суҳбат натижаларига кўра Ш.Каттаев коллеж маъмуриятига битирувчиларнинг соҳага бўлган қизиқишлари юқорилиги, интилишлари яхшилигидан мамнунлиги, ҳамда келажакда ўзаро ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш имконияти борлигини билдирди.

Ўз ўрнида коллеж маъмурияти келажакда мазкур соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим узлуксизлигини амалиёт билан уйғунлаштириш, ўқувчиларнинг олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш, ўқувчиларда амалий ва ишлаб чиқариш кўникмаларини шакллантириш мақсадида коллеж ва корхона ўртасида меморандум имзолаш мақсадга мувофиқлиги, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш, битирувчиларни ўз мутахассислиги бўйича барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, шу билан бирга коллежда фаолият юритаётган ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг стажировкаларини бевосита мазкур корхоналарда ўташларини режалаштириш зарурлиги тўғрисидаги таклифни берди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан билдирилган фикр – мулоҳазаларга асосланиб

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

1. Муҳокама этилган масалалар юзасидан эшитилган фикр ва мулоҳазалар маълумот учун қабул қилинсин.
2. **“ИНКОМнефть” АЖ** билан кенг доирадаги учрашувларни ташкил қилиш. (масъул О.Ш.Пардаев)
3. **“ИНКОМнефть” АЖ** билан коллеж ўртасида билдирилган таклифлар асосида ҳамкорлик бўйича меморандум лойиҳаси ишлаб чиқилсин ва кўриб чиқиш учун мазкур корхонага юборилсин (масъул О.Ш.Пардаев)

Коллеж директори:

С.Б. Усмонов

Баёнлаштирди:

Д. Ҳайитова



